Шарқ юлдузи

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

6

1988

57 -йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА

Наср



Иброҳим РАҲИМ

ДИЛХИРОЖ

Қисса

— «Дилхирож»ни тингласам, иккимиз бирга кечирган ҳаёт кўз олдимдан бир-бир ўтади, — деди Бобонор. — Бизнинг умримиз ҳам шу куйдан андоза олгандек...

Шеърият



Анвар ИСРОИЛОВ

БУЮК ГАНЖИНАДИР КЎКДАГИ ҚУЁШ

Шеърлар

...Олам шу экан-да, шу экан ҳаёт,
Мен учун ишқ шу қадар буюк — Сўз дейман.
Ғойиб суйгунларнинг гўзал сафида
Сен борсан-ку, ахир, Қоракўз дейман.

Публицистика



Иван МУНАЕВ

ҚАРДОШЛИГИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

Экономика, маданият, фан ва санъатдаги, шунингдек турмуш тарзидаги, дунёқарашдаги ўзаро қардошлик алоқалари бузилмаслиги янги инсон — совет кишиси шаклланишининг мустаҳкам асосидир. Ҳаёт социалистик жамият тараққиётида ушбу ҳодисанинг орқага қайтариб бўлмайдиган жараён эканлигини исботлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Салоҳиддин Мамажонов

ПАРВОЗГА ШАЙЛАНАМИЗ

Ҳозирги ўзбек болалар адабиётининг ҳолатига КПСС тарихий XXVII съездида қабул қилинган партиямизнинг янги таҳрирдаги Программаси мезони билан, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, XXI съезди руҳи, талаби билан қарашимиз ва баҳолашимиз керак. Чунки болалар адабиёти ҳам умумсовет адабиётининг таркибий қисмидир. Кейинги пайтда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизда юз бераётган инқилобий ўзгаришлар, янгиланишлар тўлалигича болаларга, ёшларга ва унинг адабиётига ҳам тааллуқлидир. Янги таҳрирдаги Программада ғоявий тарбия хусусида шундай таъкидланади:

«Партия мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун марксча-ленинча идеологиянинг ўзгартирувчи кучидан тўла-тўкис фойдаланиш, совет кишиларини ғоявий-сиёсий, меҳнат билан ахлоқий тарбиялаш, **ўзида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний мукаммалликни мужассамлаштирган, ҳар томонлама камол топган, ижтимоий жиҳатдан фаол шахсни шакллантириш** йўлида собитқадам иш олиб бориш учун барча зарур чораларни кўради».

Бу сўзлар, шунингдек, Программадаги инсон омилининг буюк роли тўғрисидаги мулоҳазалар ёш авлод тарбиясига, демак, болалар адабиётига ҳам бевосита алоқадордир. Ахир ёшларни ҳақиқатгўй, адолатли, эътиқодли, ғоявий ва маънавий бақувват, мард, жасур, меҳнатсевар, дўст ва интернационалист, қисқаси, давримизнинг катта талабига жавоб берадиган етук шахс қилиб вояга етказишда адабиёт ва санъатнинг ўрни ва роли ғоят катта. Энг аввало, ҳозирги даврда мамлакатимизда авж олган ҳақиқат учун кураш руҳи ва янгича фикрлаш, ишлаш, ўзгариш руҳи болалар адабиётига қанчалик кириб бормоқда? Ҳаётимизда юз берган ярамас иллатлар ёшлар руҳига, тафаккурига, тақдирига, уларнинг дунёқарашига, ахлоқига таъсир қилмади, деб айта олмаймиз-ку?! Ёшлар орасидаги меҳнатдан қочиш, дангасалик, текинтомоқлик, юлғичлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўғрилик, мешчанлик, бемеҳрликлар илдизи ўша иллатларга бориб уланмайдими?! Ёшлар эътиқоди ва имони бутлигига ўша ярамас иллатларни ташиб юрган катталар зиён етказмайди, деб айта оламизми?! Йўқ, албатта. Ёшлар яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам катталардан ўрганади. Болалар адабиёти мана шу масъулиятли дамларда нима қилмоқда, қандай нафас олмоқда, қандай изланмоқда, унинг олдида қандай муаммолар турибди?

Биз болалар адабиётининг ютуғини асло камситмоқчи эмасмиз. Унинг Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Пўлат Мўмин, Илёс Муслим каби оқсоқолларининг бетиним изланаётганини кўриб турибмиз. Айни чоқда умумиттифоқ китобхонлари оғзига тушаётган асарлар йўқлигини айтмасдан ўтолмаймиз. Қуддус Муҳаммадийнинг 1986 йилда чиққан «Китоб-офтоб» тўпламидаги кўпчилик шеърлар аввал ёзилган асарлардир. Болаларнинг катта прозаиги Ҳаким Назирнинг «Тоҳир ва Зуҳра қиссаси»да бадиий мукаммаллик етишмайди. Пўлат Мўминнинг «Энг маза, эҳ маза» тўпламидаги жозиба «Олтмиш олти олтин қўл» тўпламида у қадар сезилмайди. Кўп шеърларда касбни шунчаки таъриф-тавсиф қилади-ю, болаларда унга ҳавас уйғотувчи қизиқарли воқеа, мазмун топмайди. Шундай қусур унинг «Эртаклар яхшиликка етаклар» тўпламида ҳам учрайди. Темур Пўлатовнинг «Ўжар бухороликнинг саргузаштлари» романи ўзбек болалар прозасида чуқур психологик таҳлилни бошлаб берди. Унда ёш гражданиннинг руҳий, маънавий камолот жараёнлари ёритилди, ўй-мушоҳада, онг оқими акс эттирилди. Ўзбек болалар адабиётининг шуҳратини мамлакат бўйлаб, ҳатто унинг ташқарисида ёйилишида Х. Тўхтабоевнинг улуши борлиги ҳаммамизга маълум. У Ҳошимжон ва Намоз ҳақидаги асарларидан кейин қатор роман, қиссалар ёзиб кўрди ва ўз таланти йўналиши, имконияти сатирик, юмористик, саргузашт асарлар бобида тўлароқ намоён бўлишига ишонди. Яна ёшлар мавзуси ва дунёсига қайтди: «Ширин қовунлар мамлакатида ёки сеҳргарлар жанги» романини эълон қилди. Бу ўзбек болалар адабиётидаги КПССнинг XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI пленуми руҳида ёзилган илк йирик асардир. Адабиётимизда энг оқсаган нарса яна катталар билан болалар тақдири, ҳаётини бирликда, яхлитликда кўрсатишга интилишнинг жуда камлигида сезилади. Х. Тўхтабоев романда катта-кичикни ўзаро алоқада, тақдирини бир-бири билан узвий бирликда идрок этади. Ёзувчи саргузашт сюжет, кулгили воқеа ва вазиятлар, фантастик воситалар ёрдамида порахўрлик, таъмагарлик, ичкиликбозлик, манфаатпарастлик, бюрократлик, шуҳратпарастлик, дангасалик, мақтанчоқлик, алкоголизм каби иллатларни фош қилади. Ёзувчи яхшилик тимсоли билан ёмонлик тимсолини ишонарли тасвирлайди. Сеҳргар Иблиснинг қиёфасини нафрат билан чизади. Ёзувчи ўз орзу-хаёлини, пок инсон ва маънавий юксак жамият тўғрисидаги идеалини ушалган, рўёбга чиққан ҳақиқат тарзида тасвирлайди. Бунда бош қаҳрамони Акромнинг тушидан фойдаланади. Роман ўқишли, қизиқарли. Илмий-техника соҳасидаги кашфиётлардан ёзувчи инсоннинг маънавий дунёсини тадқиқ этишда фойдалана олади. Айниқса, асардаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўткир сатира ва кўп қиррали кулги унга алоҳида жозиба бахш этган. Асар тўғрисида жиддий баҳс қилиш мумкин. Унда композицион тарқоқлик бор, Акромнинг саргузаштлари баъзан мантиқий асосланмайди — бири иккинчисини тайёрламайди, келтириб чиқармайди, баён-таъриф, диалог кўпайиб, ҳаракат камайиб қолади, сўнгра ёзувчининг «Сариқ девни миниб» каби асарларидаги айрим усуллар, йўллар-топилдиқлар такрорланади. Тўғри, Акром «Сариқ девни миниб»даги персонажлардан бири, асар унинг давомидай. Шундай бўлса-да, ёзувчи янги-янги тасвир воситаларини қидириши керак эди. Иттифоқ миқёсига чиқаётган асарлар орасида Ҳожиакбар Шайхов ва Абдулҳаким Фозилов асарлари ҳам бор. Фантастикадек қийин жанрда янги гап айтиш, янгича фикрлаш мушкул. Бу ҳақиқатни фантастика соҳасида қалам тебратаётган қатор ёзувчилар асарлари тасдиқлаб турибди. Маҳкам Маҳмудов илмий дунёдаги янгиликлар воситасида тинчлик, эзгулик, инсоний меҳр-оқибат тўғрисида қайғуради, бироқ, унинг асарларида мавжуд ҳақиқат, тўғри, актуал гапларни диалоглар орқали ва шунчаки бадиийлаштириб беришга уриниш сезилади. Обиджон Юсуповнинг «Кичик Магеллан булутлари» қиссасида ўзбек фантастикасида кўп учраётган илмий мулоҳаза, илмий мушоҳадаларни баён қилишга берилиш иллати бор. Бундай асарларда фантастик сюжет, фантастик ҳолат, вазият ва шундан келиб чиқувчи ўткир конфликт, характерлар тўқнашуви бўлмайди. Шу муаллифнинг «Бермуд учбурчаги»да ҳам матбуотдаги ҳар хил гаплар-хабарлар тилга олинади, бироқ энди муаллиф фантастик жанр талаби, қонунияти ва воситаларида ўз ғоясини ифодалашга интилади.

Кейинги йилларда ўзбек болалар прозаси бир оз жонланганини таъкидлаб ўтиш керак. Роман жанрининг турли кўринишлари туғила бошлади, айниқса, болалар қиссачилиги ва ҳикоячилигида самарали изланишлар кўзга ташланмоқда. Фарҳод Мусажонов ва Латиф Маҳмудовларнинг ҳикояларида болалар характери, руҳий олами қизиқарли сюжет воситасида кўрсатилади. Э. Раимовнинг «Кўз илғамас шуълалар» номли повестлар тўпламида ота-оналар билан болаларнинг тақдирини бирликда бадиий тадқиқ этиш фазилати бор. Бироқ Ф. Мусажонов ҳам, Л. Маҳмудов ҳам, Э. Раимов ҳам фаол ижод қилаётганлари, аввалги ютуғига янгисини қўшаётгани йўқ.

Ҳозирги ўзбек болалар прозасида китобхонлар ва адабий жамоатчиликнинг эътиборини тортган ёш ёзувчилардан бири Абдусаид Кўчимовдир. Унинг «Оқ каптарлар ороли» қиссаси адабий танқидчиликнинг ижобий баҳосини олди. Муаллифнинг «Ҳалқа» номли тўпламидан мазкур қисса, шунингдек, «Қайта туғилган бола», «Баланд тоғлар остида» қиссалари ўрин олган. У болалар ҳаёти, руҳиятини, болалар оламини дуруст билади, болалар ҳаётини катталар тақдири билан бир бутунликда идрок этишга уринади, шу туфайли замон руҳи, ҳозирги ҳаётимиздаги ўзгаришлар, янгиликлар, покланиш руҳи унинг асарларидаги болалар ҳаётида ҳам акс садо бериб туради, Энг муҳими, Абдусаид Кўчимов ўз асарларида, айниқса, «Оқ катарлар ороли»да характер яратишга эришади, бунинг учун болаларни ҳам, катталарни ҳам ҳаракат, тўқнашув, кескин кураш майдонига тортади, уларнинг психологик ҳолатини, руҳий изтиробларини тиниқ чизади, болалар ва катталарни ўз характери, ҳолати ва жамиятда тутган мавқеига мос тарзда сўзлатади, фикр қилдиради. Тўғри, «Қайта туғилган бола» қиссасида ҳаракат, драматизм сусайган ва ортиқча ўринлар йўқ эмас. Бунга жанр табиати, баён усули таъсир қилган деб ёзувчини оқлаш ҳам мумкин. Чунки асар бош қаҳрамон Илҳомнинг «Хотира дафтари» усулида ёзилган. Барибир ёзувчи қизиқарли ҳикоя қилиши, сюжетни таранг тортиши, ички драматизмга эришиши керак эди. Тамаки ўстириш меҳнатининг оғирлиги, Илҳомнинг акаси Жумавой тақдири, амакиси билан боғлиқ ўринларда жўнлик, чалалик ва мантиқий боғланмаслик сезилади. Бироқ қиссада Илҳомнинг мағрур, қайсар, аммо ҳалол, ҳақиқатгўй, ўз сўзида туришга уринувчи бола сифатидаги фазилатлари яхши берилади. Абдусаид Кўчимов ўз асарларида болаларга хос ҳақиқатгўйлик, соддалик, табиийликни очишга уринади. Илҳом бошқа фанларни унча севмайди, аммо адабиётни, мухбирликни жуда ёқтиради. У юлғичларни ёмон кўради, фош қилиб мақола, фельетонлар ёзади. Илҳомнинг ҳикояси, нуқтаи назари орқали ёзувчи Олим бобо жасоратини ёритади. Олим бобо ҳақида достон ёзаман деб, армиядаги қаҳрамонлигини баён қилувчи ўринларда китобийлик майдонга келади. Шундай иллат «Баланд тоғлар остида» қиссасида айниқса сезилади. Тўрақул ва Раҳматилланинг тоғда хазина — ноёб китоблар сақланган сандиқ топиб олиши, айиқдан қочаман деб ғорга тушиши ва ажойиб ер ости қасрини кашф этишлари (Гагра яқинидаги Янги Афон ерости ғорининг топилишини эслатади бу), сандиқдан харита топиб, у ердан чиқиши каби эпизодларда шундай китобийлик бор. Тўрақул отасини ичувчи қилиб кўрсатилиши ёзувчи ғояси учун фаол хизмат этмайди. Қарши бобо ҳақидаги боб ҳам чўзиқ, зерикарлироқ. Шундай бўлса-да, муаллиф табиатни, тоғ манзарасини севиб тасвирлайди. Тўрақулни тадбиркор, чидамли, кўп нарсани билувчи ва чин дўст сифатида гавдалантиради. «Оқ каптарлар ороли»да Абдусаид Кўчимовнинг ёзувчилик қалами ўткирлашгани аниқ кўриниб турибди. (Фақат асар охирида наша солинган тугунни Суярқул томонидан тезак билан алмаштириб қўйилиши тафсилоти далилланмаган). Қисса кенг кўламли. Катталар билан болалар ҳаёти яхлитлигича кўрсатилади. Суярқулнинг отаси Малик муаллим пок, ростгўй, бир сўзли одам. Ҳовлиси тор, хотини ва келинларининг қистови билан ер сўраб раис олдига боради, у янаги йилга берамиз, ҳозир иложи йўқ дейди. Малик муаллим раис сўзига ишонади, чунки уни ўн йил ўқитган, ўз шогирди. Бироқ Турди ғилай (Суярқулнинг тоғаси) Малик муаллимни лақмаликда койийди, бухгалтерга ер берди, сизга нега бермайди деб, унда раисга нисбатан адоват ўтини ёқади. Турди ғилай аввал кассир эди, роса колхозни талаган, Назаров раис бўлгач, уни бўшатади, фермага қўяди, у ердан ҳам бўшатади. Турди ғилай раисдан ўч олиш йўлини қидириб юрган эди. Муаллимни яна раис олдига юборади, уриштиради, устидан хат уюштириб, бутун айбларини очади. Назаров чиндан ҳам юлғич, пораҳўр, кўзбўямачи эди.

Ёзувчи бу повестда публицистик мушоҳада, дидактик фикр-мулоҳазадан қочади, персонажларни фақат ҳаракат, ўзаро муносабат, тўқнашувда кўрсатади. Суярқулнинг оролда ўзи якка ўтириб ўйга чўмиши, синфдошлари, ўртоқлари билан хаёлан баҳс қилиши, тортишиши жозибали чиққан. Малик муаллим билан Назаровнинг аввалги муносабатлари тарихини ҳам ёзувчи шу ички ўй, хотира-баҳс шаклида гавдалантиради. Умуман, ёзувчи наср имкониятларини дуруст ҳис этади. Асарда автор нутқининг ҳам, персонажлар нутқининг ҳам ширали, жонли, образли бўлиши шундан. Мазкур қисса Абдусаид Кўчимовнинг эртасига умид туғдиради.

Кейинги вақтларда кичик ёшдаги мактаб болалари учун анча мақбул асар ёзаётганлардан бири Маҳмуд Муродовдир. Унинг «Боғча бола», Карим Раҳимнинг «Анжир гули», Ашурали Жўраевнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Тошбақалар пойгаси», Муқимжон Ниёзовнинг «Олисдаги дўстлар» номли ҳикоялар тўпламларида болалар ҳаёти ва руҳиятининг кўпгина жиҳатлари ёритилади. Маҳмуд Муродовнинг тўпламига етмиштача ҳикоя ва ўттизтача эртак киритилган. Улар жажжи сюжетга эга, содда ва қизиқарли тарзда болаларнинг ўзаро муносабатини, улар қалбидаги тиниқликни ва сурурни ифодалайди. «Капалак», «Ким энг кучли» каби ўнлаб ҳикояларнинг маърифий-эстетик қиммати баланд. Карим Раҳимнинг «Анжир гули» китоби икки жиҳати билан эътиборни тортади: у материални илмий оламдан олади, бироқ билимдон болаларни шунчаки таърифламайди, балки уларнинг характерларини очади, қизиқарли сюжет ёрдамида болалар фантазиясини кенгайтириш хусусида қайғуради. «Ёнғоқ чироқ ёқади», «Тугмача», «Бизбизак», «Тешик тош» каби ҳикоялари қизиқарли. Ашурали Жўраев ҳаёт зиддиятларининг болалар қалби, психологияси, характерига таъсирини ўрганишга уринмоқда. «Дастлабки тўқнашув», «Бахтиёрлар поезди» ҳикояларида болалар кўзи, қалби ва нуқтаи назари орқали адашган, жиноят қилган, қинғир йўл билан кун кечираётган одамларни кўрсатади. Муқимжон Ниёзовнинг «Олисдаги дўстлар» китобида болалар руҳи, қалби, болалар тилини-дилини билиш ва уларга ишонч билан қараш керак деган ғояни тарғиб қилувчи «Уста», «Бошланғич синф ўқитувчиси», «Меҳмон», «Турғун ака» каби дуруст ҳикоялари бор. Лекин мазкур тўпламлар ва бошқа қатор ҳикоялар, повестлар учун хос бўлган муштарак камчилик мавжуд. Бу — баёнчилик, таърифтавсиф, хабар-информация бериш, сюжетнинг сустлиги, персонажларнинг ҳаракатсизлиги, тўқнашувнинг йўқлиги, образли тафаккурнинг ғоят камбағаллигидир. Асардаги персонажлар кураш майдонига, ҳаракат жабҳасига тортилмас экан, улар ўзларининг кимлигини намойиш қила олмайди, демак, қаҳрамон, яъни ё етук ижобий қаҳрамон, ё салбий образ бўлиб гавдаланмайди ва шу туфайли китобхонни ўзига мафтун этмайди. Дюмалар, Марк Твенлар, Конан Дойллар, Войничлар, Фадеевлар асарларининг сеҳри шундаки, улардаги персонажлар ўз мақсади — идеали учун фидойиларча курашади, ўт-олов орасидан ўтиб, бир-биридан хавфли ғовларни енгиб бориб ниятларига етадилар. Жўн, жозибасиз ҳикоялар Маҳмуд Муродов китобида анчагина бор («Боши хумдай бола», «Тилсим» каби). Ашурали Жўраевнинг «Тоғлар — менинг дунём» ҳикоясида воқеа, ҳаракат йўқ. Карим Раҳим «Соқчи асаларилар» ҳикоясида фақат асаларичиларнинг тартиб-интизоми тўғрисидаги маълум гапни диалоглар орқали беради. «Анжир гули»да ҳам бадиий таҳлил ўрнини илмий жавоб, хабар бериш эгаллайди. Муқимжон Ниёзовнинг «Йўқолган ит» ҳикоясидаги воқеа ҳам, яъни ит қариса эгаларидан яшириниб ўлади, деган гап адабиётда кўп айтилган. «Ака-ука», «Бир олам қувонч» ҳикоялари ҳам баландпарвоз гап, ясамаликдан ташкил топган. Болалар прозасида ҳам катталар прозасидаги типик иллатлар — бадиий қашшоқлик, тавсифийлик, сийқалик, баландпарвозлик кўп учрайди. Кимдир болалар ёзувчиси ўз асарларини кичик Пушкин учун ёзаётгандек ҳис қилиши керак, деган экан. Эркин Мадраҳимовнинг «Пўлат ва бобоси ҳикоялари» номли қиссасида, аннотацияда айтилишича, «еттинчи синф болаларининг бой ички оламини» ҳикоя қилиб беради. Аслида бир неча чол ва кампирлар — илғор ва катта ҳаёт йўлини босиб ўтган одамлар ўз бошидан ўтганини, тўғрироғи, маълум ҳақиқатни баландпарвоз, қашшоқ тилда айтиб беради. Мана қаранг: «Кўп ўтмай Ватан ҳимоясига оммавий сафарбарлик бошланиб кетди. Қишлоқ йигитлари бир-бир фронтга — жангга отланишди. Жанговар қисм сафидаги бўлинмалардан бирига Шержон командир қилиб тайинланди. Бўлинма Астрахань билан Ростов шаҳарлари оралиғида, Улуғ Ватан урушининг оғир участкаларидан бирида жангга кирди.»

Бу бобонинг гапи. На унинг ёши, на касби, на ҳаёт йўли, тажрибаси, на юраги акс этмаган бу тилда. Бунинг устига болалар адабиётида халқ тили бойлиги, жозибасидан фойдаланиш жуда-жуда суст. Ҳатто эртак йўлида ёзилган кўплаб ҳикоялар ва шеърий қиссаларнинг тили ҳам қуруқ, сийқаси чиққан. Майдалик, схематизм, бачканалик, қайтариқлар кўп: копток тепиб, рогатка отиб ойна синдирма деган гаплар ёки ит одамнинг дўсти қабилидаги гапларни илгари сурувчи асарлар анчагина. Ит ҳақида, жониворлар ҳақида истаганча ёзиш мумкин. Аммо улар баҳонасида жиддий ҳақиқатни ҳимоя қилиш керак. Г. Троепольский ёки Ф. Абрамовнинг ит ҳақидаги, Ч. Айтматовнинг ит, бўри тўғрисидаги асарларида ҳаётнинг фожиали томонлари нақадар теран ва чуқур тасвирланган. Ўзбек адабиётида ҳам Абдулла Қаҳҳор, Ў. Ўмарбеков, Т. Пўлатов, С. Анорбоев, Ш. Холмирзаев каби ёзувчиларнинг асарларида бу мавзунинг янги қирралари қаламга олиниб, ўткир гуманистик ғоялар олға сурилган.

Болалар, умуман ёшлар, дунёни бир бутунлигича яхлит идрок этади, унинг барча овози, ранги, тўлқини, оҳанги билан, шодликлари, ғамлари, жумбоқлари, қийинчиликлари, фожиалари, дардташвишлари, орзу-армонлари билан тасаввур этгиси, кўргиси, билгиси келади. Ҳаёт мураккабликларини болаларга кўрсатиш керакми-йўқми деган масалада икки хил фикр юради. Бир хиллар болалар адабиёти ҳаётдаги мураккабликлар, ғовлар, жиддий гаплар ва катта ишлар тўғрисида ҳам фикр юритиши, бу билан улар олдида, келажакда қандай улуғвор ишлар турганидан огоҳ қилиш ва руҳан, психологик тайёрлаш керак, деса, иккинчи гуруҳ танқидчилар, ташвиш, ғам-ғуссалар билан боланинг бошини қотирмаслик керак, уларни соғлом қилиб тарбиялаш, ширин хаёллар, фантазия олами сари етаклаш зарур, кейинчалик йўлида учраган ғовларни ўзи енгиб кетаверади, дейишади. Бизнингча, икки фикрни бирлаштириш керак: реал ҳақиқат ва орзу-хаёллар олами, кечаги кун сабоқлари, бугуннинг ўткир муаммолари ва эртанинг ёрқин, гўзал манзараларида етилтириш, тоблаш лозим. Жиддий асар ҳам, фожиа, драматизмга бой асар ҳам, ўткир сатира ҳам, ҳаётбахш юмор ҳам болаларга ранг-баранг олам, мураккаб инсонни ўрганишда кўмак беради.

Ўзбек болалар адабиётида мана шу кенглик, хилма-хиллик, бутунлик ва тўлалик етишмаяпти. Сатирик ва юмористик асарларимиз ғоятда кам-ку! Ўсмирларнинг руҳий изланишларини, мураккаб қалбини таҳлил этувчи йирик асарларимиз йўқ-ку! Мактабнинг юқори синф болалари учун мўлжалланган қўшиқларимиз, хорга мўлжалланган қўшиқлар қани? Саёҳат қўшиқлари, маршлар, севги ва садоқат ҳақидаги лирик қўшиқлар кам-ку! Болалар драматургиясидек қолоқ соҳа йўқ бўлса керак бизда. Болалар публицистикаси ундан ҳам ачинарли аҳволда. Болалар тилида замонамиз ва замондошларимиз хусусида сўзловчи ўткир публицистик асарлар қандай зарур!

Болалар шеъриятида янгиланиш бироз кенгроқ ва чуқурроқ сезилади. Асқад Мухторнинг «Ҳафта» номли китобчасида ҳар бир куннинг қадрини-қимматини тушуниш ва вақтнинг аҳамиятини англашга ёрдам берувчи қизиқарли, етук шеърлар яратилган. Ҳар кун бир меҳнаткаш паҳлавондек

www.ziyouz.com kutubxonasi

таърифланади. Шоир кичкинтойларга кичик файласуф ва кичик граждан сифатида қарайди. Раим Фарҳодийнинг «Айиқчанинг туши» китоби ихчам, манзарали ва завқли шеърлардан ташкил топган. Толиб Йўлдошнинг «Ёз элчиси» китобида фаоллик ва одобга чақирувчи жиддий дидактик шеърлар бор. Болалар шеъриятида самарали ижод қилаётганлардан бири Турсунбой Адашбоевдир. Унинг «Оқбура тўлқинлари», айниқса, «Рус тилини ўрганамиз» сериясида «Юлдузча» нашриётида чоп этилган «Совға» («Подарок») тўплами мукаммал чиққан. У миниатюр сюжетда болалар характеридаги бирор қиррани чиза олади, уларнинг руҳиятини очади, ихчам мисраларга салмоқли мазмун сингдиради. Анвар Обиджон ҳам болалар шеъриятининг мазмуни, тематикаси, қамрови, шакли, жанрлари, ифода йўлларини бойитди. Унинг «Масхарабоз бола» китобига назар ташлайлик. Шоир ҳайвонлар, паррандалар, ҳар хил жисмлар ҳақида ёзади, аслида у инсонларнинг характери, қилиғи, қилмиш-қидирмиши, унинг маънавий ва ахлоқий дунёсини очади, фош қилади, иллатлари устидан кулади. Шеърлари заминида оламни ва одамларни фалсафий идрок этиш ётади. Шоир предмет ва жониворларнинг бош хусусияти, белгисини, яъни портретини чизар экан, инсонга шама қилади: «Ҳаккканинг ваъдаси» шеърида у: «Текин беринг кавшайман, ўғриликни ташлайман», дейди. Шеърнинг ҳаммаси шу, бироқ шоир найзани нишонга тўғри отади. Тулки ҳақидаги шеърида: «Иккита ёш Хўрозга дўстликка сўз берганман. Икки дўстим бор эди, биттасини еганман», дейилади. Ёки бошқа шеъри «Оташкуракка ёзилган шеър» деб номланади: «Учоқ бошида ётиб қишлайсан, бошқалар учун ўтни ушлайсан». «Бўрилар шифохонасида» шеъри эса «Врачларни вақти чоқ, келди касал Қўзичоқ», деган икки мисрадан иборат. Тўғри, А. Обиджонов баъзан шаклбозликка, ўз-ўзини такрорга йўл қўяди. Сафар Барноевнинг «Тинчликни улуғлаймиз» тўпламида мукаммал сиёсий шеърлар бор. Олим Маҳкамнинг «Олтин бошоқ», Тўлқин Илҳомнинг «Ҳаёт чорлайди», Ҳамза Имомбердиевнинг «Шоколадхўрлар», Тўлқиннинг «Ғунчалар» китобларида қатор маъқул шеърлар учрайди. Лекин бу тўпламларда қуруқ, насиҳатомуз хабарлар, зерикарли, дабдабали шеърлар кўп, уларда драматизм, кечинма, ёркин образлар, бадиий кашфиёт йўқ. Тўлқиннинг «Баҳорий синглимга салом!» номли саккиз бандлик шеъридан бир банд келтирайлик:

Қалб китобин варақлаб очиб,
Баҳор отлиғ синглимга бердим.
Йўлларига ҳисларим сочиб,
Соғиндим ва соғинавердим.

Буларда шеърий нафосат, образ, янги фикр йўқ, китобий ва ғализ. С. Барноевнинг «Дадасининг боласи» шеърида дадаси ўғлидан қоплон, арслон, сиртлон, илон, бўри ва ўғридан қўрқасанми, деб сўрайди, ҳар сафар йўқ, дейди. Кейин дадасига қараб: «Сиз қўрқасиз кеч қолиб, қўнғироқни чалишдан. Ойим қўрқар дод солиб Сиздан ажраб қолишдан» дейди ва шеър тугайди. Бу томдан тараша тушгандай пойма-пой мисралар билан болаларга нима демоқчи шоир?

Азиз Несин бир чиройли кузатиш қилган: ҳайвонлар, паррандаларнинг болалиги жуда қисқа бўлади, инсон ўртача олтмиш йил яшаса, шундан 15—16 йили болалик даври экан. Шундай экан, бу даврнинг ичида болалар ҳаётида бадиий адабиётнинг роли ниҳоятда катта (у алла эшитишдан бошлаб адабиёт оламида яшайди). Саводи чиққач, бир умр бадиий асарга суянади, ундан маънавий мадад олади, унинг ёрдамида одам танийди, дунёни англайди, замонни ўрганади, кечаги кун, ўтмишдан сабоқ топади, бугуннинг оловли тўлқинида пишади, буюк келажак суруридан илҳомланади, парвозга шайланади. Бўронлардан омон чиқувчи, давр юкини елкасига олиб, улуғ орзуларни амалга оширувчи баркамол инсонларни тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшиш болалар адабиётининг муқаддас бурчидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ

Жуманиёз Жабборов. Бир бутунликда жаҳон 3
Хосият Бобомуродова. Кўзимдан ёш эмас, олов тўкилар 8
Анвар Исроилов. Буюк ганжинадир кўкдаги қуёш 25
Охунжон Ҳакимов. Ватан даъвати 28
Муҳаммад Ражаб. Куч сезади дарёлар ирмоқларнинг мавжида 108
Шукур Содиқ. Бахт муқим қолади абадиятдай 113

НАСР

Иброҳим Раҳим. Дилхирож. Қисса 10
Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. Роман 30

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Улуғбек Абдусаломов. Қоравой. Ҳикоя 111

ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ

Хорхе Луис Борхес. Ўлмайдиган одам 116

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Ҳабиб Саъдулла. Эътиқод. Достон 125

ПУБЛИЦИСТИКА

Иван Мунаев. Қардошлигимиз сарчашмалари 131

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Икром Расулов. Қайта қуриш ва муаллим 139

САНЪАТ

Шоҳалил Шоёқубов. Классик миниатюранинг иккинчи ёшлиги 147

НАВОИЙХОНЛИК

Нурулла Аҳмедов. Мангу барҳаёт образ 153

ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ

Гулчеҳра Нуруллаева, Юсуф Жумаев. Ҳар қадамда муаммо, муаммо... 156

АДАБИЙ ТАНҚИД

Шукур Холмирзаев. Мўъжиза бўлиб қолсин 162
Салоҳиддин Мамажонов. Парвозга шайланамиз 170

ПУШКИНХОНЛИК

Пушкиннинг рафиқасига мактублари 174

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Устоз мактублари 176

ТАҚРИЗЛАР

Нусратилла Жумаев. «Ухлаётган ботирдир — минор» 180
Тўлқин Йўлдошев, Жума Хўжақулов. Олимнинг янги мажмуаси 182

АКС-САДО

Турсуной Содиқова. Кўнгилдаги гаплар 184

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Равшан Қодиров. Янги одам. Қисса 190

ГУЛҚАЙЧИ

Ямин Қурбон. Масаллар 206
Абдуғани Абдуғафуров. «Оғир йиллар» эмиш... 207

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 6
Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор **А. Ҳайдаров.** Рассом **Ғ. Алимов** Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 07.04.88 й. Босишга рухсат этилди 23.05.88 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Р-13936. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 171432. Буюртма 3185.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi